

«Қизларжон» китоби қайта нашр этилди!



14:00 / 16.05.2020 1620

Муборак Рамазон тухфаси ўлароқ фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари асос солган «Hilol-Nashr» нашриёти-матбааси Одинахон Муҳаммад Содик қаламига мансуб «Қизларжон» китобини қайта нашр этди.

«...Тор либосларда, сочларини туянинг ўркачига ўхшатиб турмаклар юришингиз рисоладаги муслиманинг кўринишига асло тўғри келмайди. Бу юриш-туришингиз нафақат ўзингизга, балки гўзал суратингизга маҳлиё бўлиб, кўнгли сушт кетган кўчадаги бегона эркакларга ҳам ботмон-ботмон гуноҳни юклар қўймоқда. Нима қиласиз уларнинг назарига, беҳаё ўйларига нишон бўлиб? Бу чинакам муслима аёлнинг сифатларидан эмас-ку?! Ахир Фотима онамиз розияллоҳу анҳо: «Аёлларнинг яхшиси бегона эркакларнинг ҳаёлида бўлмаганидир», демаганми эдилар?...»

Муаллиф: Одинахон Муҳаммад Содик

Нашриёт: «Hilol-Nashr» нашриёти-матбааси

Нархи: 16 000 сўм

Islom.uz портали